



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 51 (13.898)

Баҳоси эркин нарҳда

ХАЛҚАРО МОЛИЯ-БАНК ФОРУМИ

Пойтахтимизда "МДХнинг молиявий бозорлари: янги имкониятлар" мавзусидаги халқаро молия-банк форумининг биринчи кунидаги тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, МДХ Молия-банк кенгаши ҳамда "SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва бошқа бир қатор маҳаллий ва халқаро молиявий муассасалар кўмағида ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Мамаризо Нурмуратов, МДХ Ижроия қўмитаси раиси – ижрочи котиби Сергей Лебедев, Европа тикланиши ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Алкис Дракинос ва бошқалар мамлакатимиз ва дунё молия-банк муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик алоқалари давлатларнинг иқтисодий ўсишида муҳим аҳамият касб этиши ва ўтказилаётган мазкур форум бундай манфаатли муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 14 январдаги "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ташкил этилган агентлигимиз қисқа муддатда сезиларли натижаларга эришмоқда, – деди Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Аскар Обидов. – Жумладан, Ўзбекистоннинг суверен рейтингга эга бўлгани, халқаро бозорда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қимматли қўғозларни айирбошлаш ишлари бошлангани янги имконият бўлиб, бу

капитал бозор иштирокчилари учун яна бир қўлайликдир. Форумда "Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш" мавзусидаги маърузамда агентлик фаолияти, мақсад ва вазифалари билан иштирокчиларни батафсил таништирдим.

Форумда сўзга чиққанлар молия-банк секторларининг бугунги ҳолати ва истикболи, рақамли технологияларнинг ривожланишида молия соҳасининг ўрни ҳақида сўз юритди.

Иқтисодий ислохотлар мамлакат ривожланиши ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади, – деди Россия Федерацияси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Ксения Юдаева. – Шу сабабли интеграция орқали биз энг яхши иқтисодий натижаларга эришимиз мумкин. Аввало, интеграция ва бошқа молиявий жараёнлар учун макроиқтисодий шароит ҳамда молиявий барқарорлик талаб этилади. Бу каби барқарорлик бўлмаса, мамлакатда инвестициявий имкониятлар ривожланмайди.

Форумда экспертларнинг илгор тажрибалари билан ўртоқлашиш ҳамда алоҳида соҳалар ва молия бозорининг турли сектор вакиллари ўртасида музокаралар, ўзаро манфаатли учрашувлар бўлиб ўтди.

Форум доирасида сугурта соҳасида "Олтин соябон" жамоатчилик мукофотини топшириш маросимини ўтказиш ҳамда иштирокчиларнинг Самарқандга саёҳати режалаштирилмоқда.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Ж.Кўчоров сўзга чиқди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА



"САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ" ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

"Санъат ғунчалари" республика кўрик-танловининг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида голибликни қўлга киритган 166 нафарга яқин ёш мусиқачи ўзаро баҳслашди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда мазкур аънавий танлов иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Танловда голибликни қўлга киритиб, тажриба орттирган ёш ижроичиларнинг аксарияти дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган халқаро танловларда катта муваффақиятларга эришган.

Фарғоналик Суяровлар сулоласининг аксарияти санъат соҳаси вакиллари – бири қўшиқ айтса, бири, доира, дутор чалади. Ўқтамжон Суяров ҳам шу соҳа кишиси бўлгани боис ўғли Санжарбекни пойтахтга – Республика ихтисослаш-

тирилган мусиқа академик лицейига ўқишга олиб келган эди. Ҳозир лицейнинг 9-синфида таҳсил олаётган Санжарбек "Санъат ғунчалари" республика кўрик-танловида иштирок этиб зарбли чолгулар йўналишида биринчи ўринни эгаллади.

– Менинг бу муваффақиятим келгусида улкан зафарларга эшик очишига ишонаман, – дейди Санжарбек. – Ўз санъатим орқали халқимизга хизмат қилиш, Ватанимиз номини дунёга таратиш олий мақсадим.

Иштирокчиларнинг 66 нафари танловнинг совринли ўринларини қўлга киритди. Уларга диплом ва ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

М.ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

Тадбирда икки мамлакат делегацияларига Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Дилшод Аҳатов ва Латвия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Давлат котиби ўринбосари, сиёсий директори Янис Мажейкис раҳбарлик қилди.

Музокараларда икки томонлама ҳамкорлик, БМТ доирасида, шунингдек, "Ўзбекистон – Европа Иттифоқи" шаклидаги алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истикболлари атрофида муҳокама қилинди. Қатор халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон – Латвия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган 1992 йилдан буён самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий алоқаларни янада ривожлантиришга қизиқиш билдирилди.

Латвия мамлакатимизнинг Европа Иттифоқидаги асосий савдо шерикларидан. 2018 йилда ўзаро товар айланмаси ҳажми 429 миллион АҚШ долларидан ортиқчи ташкил қилди. Бу 2017 йилга нисбатан 50 фоизга кўпдир.

Анжуманда товар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш орқали маҳсулот етказиб бе-

Латвия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Давлат котиби ўринбосари, сиёсий директори Янис Мажейкис бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентда 28 март кунини Ўзбекистон – Латвия вазирликлараро сиёсий маслаҳатлашувларининг 14 раунди бўлиб ўтди.

ришни диверсификация қилиш имкониятлари кўриб чиқилди. Бу борадаги вазифаларга ижобий ечим топишда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон – Латвия ҳамкорлик кенгашининг биринчи мажлисини ўтказиш муҳим ўрин тутуши қайд этилди.

Тадбирда туризм, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамкорлигининг истикболли йўналишлари экани таъкидланди. Ўзаро муносабатлардаги ус-

тувор вазифалар белгилаб олинди.

Шу кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Эргашев Латвия делегацияси билан учрашди. Мулоқот чоғида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН – ЛАТВИЯ СИЁСИЙ МАСЛАҲАТЛАШУВЛАРИ

"ХАВФСИЗ ШАҲАР" ИЛОВАСИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИШНИ БАҲОЛАШ МУМКИН

Тошкентда синов тариқасида "Хавфсиз шаҳар" иловаси ишга туширилди. У мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда жиноятчилик даражасини камайтиришга қаратилган.

Янги илова Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, БМТ Тараққиёт дастури, Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган бўлиб, "Google play" дўконларида учта – ўзбек, рус ва инглиз тилларида сотилмоқда.

"Хавфсиз шаҳар" иловаси қатор муҳим функция ва имкониятларни ўз ичига олган. SOS тугмачаси орқали шошилинч хизматларни тезкор чақириш шулар жумласидандир. Ушбу виртуал тугмача босилганда, илова фойдаланувчи турган жойни аниқлайди ва унга энг яқин ички ишлар органи пунктига оид маълумотларни тақдим этади.

Бундан ташқари, иловада гаджет соҳибининг яшаш манзилига қараб профилактика инспекторининг маълумотларини топиш, унинг ишига баҳо бериш ва унга топширилган участкадаги фаолияти бўйича изоҳлар қолдириш ҳам мумкин. Бунинг учун гаджет соҳибидан мобил илова ўрнатилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотларнинг барчаси зарур чоралар кўриш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига юборилади. Чора кўриш учун изоҳлардаги ҳолатлар алоҳида кўриб чиқилади.

Иловада ахборот бериш функцияси ҳам мавжуд. Масалан, унда яқин орадаги ички ишлар бўлимининг топиш, Тош-

кент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг расмий сайтыдаги сўнги янгиликлардан хабардор бўлиш мумкин. Илова ишлаши жараёнида профилактика инспекторлари тўғрисидаги маълумот тўлдириб борилади. Келгусида лойиҳа яратувчилари уни бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқатиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштиришни режалаштиришмоқда. Хусусан, яқин орада иловага энг яқин патруль машинани қидириш функцияси қўшилади ҳамда илова 102 тизимига татбиқ этилади. Бу ёрдам сўраб муружаат қилган фуқаронинг турган жойини янада аниқроқ аниқлаш имконини беради.

Роман БОНДАРЧУК



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент вилоятида ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ташаббуси билан "Раҳбардан 10 китоб" акцияси ўтказилмоқда. Вилоятда ўтказилаётган ўзига хос акция моҳиятига кўра, иштирокчилардан китоблар марказлашган ҳолда йигилди. Йигилган китоблар халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори билан эҳтиёжи юқори бўлган мактабларга тақсимланади.

• Бухоро шаҳридаги "Authentic Travel" масъулияти чекланган жамияти томонидан "Сув минораси" иншооти негизидан "Бухоро минораси" (Bukhara tower) туристик мажмуаси ишга туширилди.

• Жорий йил 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтайдиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали олтидан Термиз археология музейида ташкил этилган кўргазма "Сурхондарё – бахшилар юрти" деб номланди. Кўргазмада Сурхондарё вилоятида бахшичилик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бахшиларнинг миллий кийимлари, дўмбира ва бошқа ноёб буюмлари намойишига кенг ўрин ажратилган.

• Андижон вилояти Хўжабод туманида "Оилавий тадбиркорлик кенг йўли" деб номланган кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада таъминотчи корхоналар, яъни тикув машиналари, парранда, куён, асалари, қўчат, уруғ етказиб берувчи, шунингдек, иссиқхоналар қуриб берувчи, турли йўналишлар бўйича хизмат кўрсатувчи корхона-ташкилот ва ҳўжаликлар иштирок этиб, ўз маҳсулоти, хизмати бўйича тақдимотлар ўтказди.

• Тошкент вилояти Оҳангарон туманида бўлиб ўтган "Қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти: қонунчилик, технологиялар ва инновациялар" мавзусидаги семинарда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш, хусусан, пахтачилик истикболли ҳақида сўз борди.

ЖАҲОНДА

• Буюк Британия парламенти Брекситдан олдин ушбу масала бўйича ниҳоят сўнги – учинчи бор овоз беришга тайёргарлик кўрмоқда. Бу гал сиёсий декларацияларсиз Европа Иттифоқи таркибидан чиқиш шартлари кўриб чиқилади.

• Сомали пойтахти Могадишода террорчилик ҳаракати содир этилди. Миналаштирилган машинанинг аҳоли гавжум жойда портлатиб юборилиши натижасида 15 киши ҳалок бўлди, 17 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатлари олиб, касалхоналарга ётқизилди.

• Исландиянинг WOW AIR авиакомпаниясининг иқтисодий қийинчиликлар туфайли банкрот деб эълон қилиниши ва авиакомпания барча ҳаво рейсларининг бекор этилиши турли йўналишларга авиачипталар олиб бўлган йўловчилар учун уларнинг ўз манзилларига етиб олишлари борасида катта мураккабликлар туғдирмоқда.

• Латвияда НАТО жанговар гуруҳининг машқлари бўлиб ўтди.

КИСҚА САТЛАРДА

• Тошкент метросининг **Сергели ва Юнусобод** йўналишининг иккинчи қисми **жорий йилда ишга тушади.**

• **Чилонзор туманида аҳоли муаммолари юзасидан сайёр қабул ўтказилди.**

• **"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Германия халқ университетлари Ассоциациясининг Ўзбекистондаги филиали билан ҳамкорликда "Ижтимоий шериклик: муаммолар ва истикболлар" мавзусидаги халқаро конференция Radisson Blu Hotel меҳмонхонасида бўлиб ўтди.**

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси раҳбарларининг навбатдаги сайёр қабули Чилонзор туманида бўлиб ўтди.

МУРОЖААТЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Чилонзор тумани "Ботирма" МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро, 1 гуруҳ ногирони Тоҳир Набижонов бир йил аввал турмуш ўртоғига ногиронлик аравачаси сўраб, маҳаллага мурожаат қилган. Аравачадан ҳалигача дарак йўқ.

Катта дўмбиробод маҳалласи раиси ўринбосари Ғолиб Набиев маҳалласидаги бир неча муаммони ҳал этиш учун келган. Унинг маҳалласидаги бир бева аёлнинг коммунал тўловдан қарзлари кўпайиб кетган. Аёлнинг уч нафар фарзанди бор ва турмушнинг муштан азият чекмоқда. Унинг таъкидлашича, маҳаллада ёлғиз яшайдиган кекса аёл ҳам бор. Уларга моддий ёрдам кўрсатиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизми ва самарали усулларини жорий этиш мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг устувор йўналишига айланмоқда. Одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш фуқароларнинг давлат ва жамиятга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нормат Турсунов бошчилигида тумандаги 4-сектор раҳбарлари аҳолидан келиб тушган мурожаатларни атрофлича кўриб чиқди.

Сайёр қабулда уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш тизими, тиббиёт, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти ва бошқа ижтимоий, иқтисодий, маънавий масалаларда қилинган мурожаатлар кўриб чиқилиб,

тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Мурожаатларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилди. Шу жумладан, Тоҳир Набижоновга ногиронлик аравачаси икки кунда етказиб бериладиган бўлди, Ғолиб Набиев маҳалласидаги икки аёлга моддий ёрдам кўрсатилиши таъкидланди.

Чилонзор тумани 16-мавзев, 24-уй, 17-хонадонда яшовчи фуқаро Гулчехра Абдуваҳидова ҳозир онкологик касаллиги, коммунал тўловлар бўйича қарздорлиги кўплиги сабабли, моддий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаатни ижобий ҳал этиш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилиши ҳақида фуқарога тушунтириш берилди.

Чилонзор тумани 17-мавзев, 51-уй, 48-хонадонда яшовчи фуқаро Елена Третьякова ўз мурожаатида "Сайхун коммунал плюс" ширкатига ушбу ҳудудда жойлашган хонадонларнинг марказий элеватор боғловчисини таъмирлаш учун банқдан кредит олишда амалий ёрдам берилишини сўради. Ушбу мурожаат юзасидан тегишли ўрганишлар ўтказиб, муаммони ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатилиши ҳақида тушунтирилди.

Бундан ташқари, ширкатларга жой ажратиш масаласи бўйича, коммунал тўловлар, фуқароларга тиббий ёрдам берилиши, кредит масалалари, турар жой ҳудудини ободонлаштириш ҳақидаги мурожаатларнинг барчаси қайд этилди ҳамда ушбу мурожаатлар ижобий ҳал этилиб, фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан тегишли чоралар кўрилиши таъкидланди.

Хуршид ҚОДИРОВ,
ЎЗА мухбири

Сайлов

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) САЙЛОВИГА ЖИДДИЙ ҲОЗИРЛИК

Жорий йилнинг май ойида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтадиган муҳим ижтимоий-сиёсий жараён – Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида жиддий ҳозирлик кўрилмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида ҳам ушбу сиёсий жараёнга қонунчиликда белгилаб қўйилган талаблар асосида қизғин ҳозирлик кўрилиб, семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Туман ҳокимлигида 51 та маҳалла фуқаролар йиғинида мазкур сайловнинг қонуний, ошқора, холисона ва муқобиллик асосида ўтишини таъминлаш мақсадида сайловни ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган семинар ташкил этилди.

Тадбир давомида Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси аъзолари Шерзод Тўлаганов, Баҳодир Тошматов, Убайдулла Абдушоҳидов семинар қатнашчиларига сайлов жа-

раёни ҳақида тушунчалар беришди.

Унда ишчи гуруҳларининг шу кунларда амалга ошираётган ишлари муҳокама қилиниб, жараённинг барча босқич ва жиҳатларига эътибор берилиши, иш ҳужжатларининг тўғри юритилиши, вакиллар сайланишидаги холислик, раисликка кўрсатилаётган номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа масалаларда ишчи гуруҳлар масъулияти муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси аъзолари иштирокчиларнинг саволларига ба- тафсил жавоб бердилар.

Зиёда РАСУЛОВА

БИЗНЕС ЮРИТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Қадим ва навқирон Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш Республика маркази, Марказий банк ҳамда чет эл капитали иштирокидаги "Савдогарбанк" АТБ ҳамкорлигида бир ҳафталик ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўқув-семинар машғулотида чет эл капитали иштирокидаги "Савдогарбанк" АТБнинг Самарқанд вилоят филиали, Ургант, Улугбек, Иштихон филиалларида ўтказилди. Унда 20 дан ортиқ самарқандлик тадбиркор бизнесни юритиш масалаларида билимини оширд.

Семинар ишида адлия, солиқ, божхона, Ўзбекистон

товар-хом ашё биржаси, Марказий банк мутахассислари тадбиркорлик субъектларига бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни олиш, коммуни- қацияларга улашиш, хом ашё ва ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш, бизнес режа ишлаб чиқиш, юртимизда иш- лаб чиқарилган маҳсулотлар- ни хорижга экспорт қилиш

тартиби ва бошқа мавзулар- да машғулотлар олиб бориш- ди. Машғулотлар амалий ва қизқарли усулларда ташкил этилиб, иштирокчилар биз- несни юритиш ва бизнес ре- жалар тузиш йўллари ўрга- нишди.

Тадбир якуни бўйича тадбир- корларга сертификатлар топ- ширилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

ЧАКАНА САВДО ВА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йилнинг январь-февраль ойида Тошкент шаҳрида 4687,3 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,5 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик корхоналар томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 1249,7 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 117,1 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 3437,6 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда кичик корхона ва микрофирмалар 1288,9 млрд. сўм ёки 103,7 фоизни ҳамда норас- мий сектор 1087,6 млрд. сўм ёки 102,7 фоизни ташкил этди.

Туманлар кесимида чакана савдо товар айлан- маси ҳажмида катта улушга эга бўлган Чилонзор

(16,9 фоиз), Юнусобод (12,5 фоиз) Шайхонтохур (10,4 фоиз) туманлари чакана савдо товар айлан- масининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида Тошкент шаҳрида 1 272,8 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,7 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик ташкилотлар томонидан қури- лиш ишлари ҳажми 393,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,6 фоизни таш- кил қилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улу- ши 30,9 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда кичик корхона ва микрофирмалар 591,2 млрд. сўм ёки 113,8 фоизни (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 46,4 фоиз) ҳамда но-

расмий сектор 288,2 млрд. сўм ёки 94,3 фоиз (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 22,7 фо- из)ни ташкил этди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Миробод туманида бажарилган бўлиб, шаҳар- да бажарилган жами қурилиш ишларининг 18,0 фоиз- ини ташкил этди. Мирзо Улугбек туманида бажар- илган қурилиш ишлари эса 14,3 фоизни, Чилонзор туманида 13,6 фоиз, Юнусобод туманида 9,2 фоиз ва Яққасарой туманида 8,8 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш иш- ларининг асосий қисми яъни 61,7 фоиз қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Фу- қаролик объектлари қурилиши ва ихтисослашти- рилган қурилиш ишлари ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ҳолда жамига нисбатан 38,3 фоизни ташкил қилди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ТАЛАБ ЮҚОРИ КАСБЛАРНИ ЎРГАТИШГА ЭЪТИБОР ҚАНДАЙ?

"Пойтахт" бизнес марказида "Хотин-қизлар учун муносиб ва барқарор иш ўринлари яратиш – устувор вазифа" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва партия мар- казий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси де- путатлари, Хотин-қизлар кўмитаси масъуллари, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вакиллари, парти- янинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят кенгаши ходимлари ишти- рок этди.

Тадбирда асосий эътибор Президентимиз Шавкат Мирзиёев ра- ислигида жорий йилнинг 19 март кuni ўтказилган видеоселектор йиғилиши- да белгилаб берилган муҳим вазифа- ларга қаратилди. Таъкидланганидек, партия дастуринда оила ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган аёл- ларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳ- нат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича малакасини ошириш- га кўмаклашиш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада партия то- монидан ўтган давр мубоайнида таш- кил этилган ўнлаб лойиҳа, форум- ларга 50 мингдан ортиқ хотин-қиз жалб этилди.

Президентимиз томонидан 2019-2020 йилларда барча туманларда сендвич панеллардан 195 та тикув- трикотаж корхонаси ташкил этиш ва- зифаси белгилаб берилгани, уларни қуриш учун, айниқса, аҳоли зич яшай- диган, меҳнат ресурслари кўп бўлган жойлар танлаб олингани қайд этилди. Мазкур корхоналарни ташкил этиш натижасида хотин-қизлар учун 24 мингдан ортиқ доимий иш ўрни яра- тиш режалаштирилган.

Муҳокамаларда хотин-қизлар ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қув- ватлаш, жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган аёлларга алоҳида эътибор

қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди. Де- путатларнинг жойларда аҳоли билан бўлган учрашувларида амалга оши- раётган ишлари юзасидан маълумот- лар берилди.

Тадбирда хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунарманд- чиликка жалб этиш, меҳнат бозори- да талаб юқори бўлган касбларга ўқитишга ҳамма жойда ҳам талаб до- ирасида ёндашилмаётгани танқид қилинди. Ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқ- сиз оилада тарбиялаётганларни уй- жой билан таъминлаш борасидаги ишлар жамоатчилик ва парламент на- зоратига олинадиган бўлди. Келгу-

сида мазкур вазифаларни амалга оширишда партия Ўзбекистон Хотин- қизлар кўмитаси ва "Оила" илмий- амалий тадқиқот маркази билан са- марали ҳамкорлик қилади.

Мутахассислар эрта никоҳ, оила- лардаги низоли ҳолатлар ва ажра- лашларнинг олдини олиш бўйича чо- раларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этаётганини таъ- кидлади.

Давра суҳбатида фракция аъзола- ри оила институтини мустаҳкамлаш борасида қилиниши зарур бўлган ва- зифаларни белгилаб олди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН УНДИРИБ ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ МИҚДОРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолияти ташкил қилиниши янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сон қарорига ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 й., 17-сон, 131-модда) ҳамда "Маҳаллий савдо комплекслари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар: Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинмаган бир марталик йиғимларнинг миқдорлари 1-иловага мувофиқ:

– йиғим тўловлари чекланган жамияти томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун ундириб олинмаган тўловлар, ижара ҳақи миқдорлари ва "O'zbekor savdo kompleksi" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун ундириб олинмаган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари 1.1 ва 1.2-иловаларга мувофиқ;

– бозорлар ва савдо комплекслари инвентарларини ижара бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундирилмаган тўловларнинг миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

– бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

– бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидagi умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундирилмаган тўлов миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов), Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси (М.Тоқиров), "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК (М.Ирматов) бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, тўловлар, ижара ҳақи тўловлари ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш бўйича белгиланган тартибда зарур тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 16 мартдаги "Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинмаган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати- нинг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида"ги 435-сонли қарори (3-бандидан ташқари) ўз кучини йўқотган деб ҳисоб- лансин.

4. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Бечерий Ташкент" газеталарида эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча кирди.

6. Бозорлар ва савдо комплексларининг раҳбарлари белгилаб берилган бир марталик йиғим, ижара тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қийматини бозорлар ва савдо комплексларида қирилмаган барча жойларга осиб қўйилишини таъ- минласин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Ҳаджишаддева зиммасига оқлатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими

Ж.Артиқходжаев

2019 йил 27 март

МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ – МУҲИМ МАСАЛА

Пойтахтимизда экспортчилар янги бозорларга чиқишининг шартлари ва экспорт диверсификацияси масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитаси, Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш рес- публика маркази, Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциа- цияси ва ЮСАИД ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, шунинг- дек, бир қатор акциядорлик жамиятлари, иқтисодиётга оид олий таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар вакилла- ри иштирок этди.

Монополияга қарши курашиш кўмитаси раиси ўринбосари Бекзод Уммутов, ЮСАИДнинг "Марказий Осиёда савдо, рако- батбардорлик ва ишчи ўринлари" лойиҳаси менежери Альфия Муфина ва бошқалар мамлакатимизда экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддаштириш, экспорт таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқла- ри ва ҳудудларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қара- тилаётган чора-тадбирлар ўзининг амалий натижаларини бе- раётганини алоҳида таъкидлади.

Харакатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифа- ларга мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорли- гини таъминлашда барча соҳалар қаторида экспорт салоҳия- тини ошириш ва экспортёрларга қўлай имкониятлар яратиш бугунги замоннинг асосий талабига айланмоқда. Шу боис мазкур тадбирда маҳаллий ва хорижий экспертлар юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга ўз маҳсулотлари экс- портини йўлга қўйиш бўйича йўл-йўриқлар, маълумот ва ту- шунчалар берди.

– Бугунги учрашув маҳаллий тадбиркорларимиз учун муҳим майдон ҳисобланади, – деди Тадбиркорлик фаолияти асосла- рини ўқитиш республика маркази директори Улугбек Камолдидинов. – Биз фақат тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўз лойиҳаларини амалга оширишда таълим жиҳатидан қўллаб-қувватлаганимиз йўқ. Уларга бир катта майдон яратиш, бу майдонда давлат бошқаруви вакиллари, шу соҳаларга доир маъсул ташкилотлар мутахассисларини, халқаро бозорни яши билладиган маҳаллий ва хорижий экспертларни, ишбилармон- лар ва ишлаб чиқарувчиларни мулоқотга чорлади. Тадбирда улар бу борадаги янгиликларини ўрганиш билан бир қаторда мавжуд муаммоларни биргаликда енишга имкон яратилди. Мак- садимиз эса юртимизнинг экспорт имкониятларини янада кен- гайтириш ва бунинг учун барча зарур чораларни қўришдир.

Турли йўналишдаги ўндан зиёд битим асосида иш кўра- диган Жажон савдо ташкилотига 164 мамлакат аъзо, – деди ЮСАИД лойиҳасининг Жажон савдо ташкилоти ва савдо ма- салалари бўйича катта масъалачиси Йован Йекич. – Марка- зий Осиё давлатларидан Ўзбекистон ва Туркменистон бу таш- килотга аъзо эмас. Ўзбекистон Жажон савдо ташкилотига кириш учун 1994 йилда ариза қилган. Бирок бу масалادا аниқ келишув бўлмаган. 2018 йилдан эса ташкилотга аъзо бўлиш жараёни бўйича янгидан тизимли ишлар амалга оши- рилмоқда. Албатта, ЖСТга аъзо бўлиш давлат учун кенг им- кониятлар очди. Жажон бозорига чиқиш, хорижий инвестиция жалб қилиш каби масалаларда ЖСТ билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши мам- лакатимиз иқтисодий ривожига муҳим ўрин тутади.

Йиғилишда Ўзбекистон товарларининг рақобат борасидаги афзалликлари, диверсификация ҳисобига тавақалчиликни ка- майтиришнинг асосий жиҳатлари каби қатор масалалар юза- сидан фикр алмашилди.

ЎЗА

Жума оқшомида

Шукроналик

ОНАИЗОРИМ

Онам учун бугун жуда ҳам қувончли кун. Чунки акам ҳарбий бўлди. Онажоним хурсандлигидан биз фарзандларни бир-бир бағрига босдилар, уларнинг юрак уришлари эшитилиб турарди.

– Умридан барака топсин болам, илоҳим азиз боши омон бўлсин, – дедилар майингина жилмайиб, кейин ғамгин овозда – қани шу кунларни даданг раҳматли кўрганида эди, – дедилар кўз ёшларини яширишга уриниб.

Кенжа укам ҳайратланиб сўради, “аяжон акам армияга кетдим”.

– Йўқ болам, акам ўқишга кирди, худо хоҳласа Ватан ҳимоячиси бўлиб етишади бу жуда ҳам шарафли ва жуда заҳматли касб, насиб қилса сизлар ҳам юрт ҳимоячиси бўласизлар, мен шуни истайман...

Волидам кун чиқмасдан ҳовлига сув сегиб супириб, чой тайёрлаб бизларни уйғотдилар.

– Қани болажонларим тура қолинглар, бугун уйимизга кўни-кўшни ва кўп меҳмонлар келади, – дедилар.

Чинданам бир пасдан кейин уйимиз қариндош-уруғларга тўлди. Уларнинг бири олиб

бири кўйиб акамни дуо қиларди. Мен эса онажонимни зимдан қузатардим, юзларида қувонч, кўзларида хурсандчилик ёши бир гапириб ўн кулардилар, шодликларининг чеки йўқ эди гўё...

Катта акамнинг ҳарбий билим юртига кирган кун хотирамда энг ёруғ ва энг бахтиёр кун сифатида эсимда қолди. Мен ҳам катта бўлсам албатта акамнинг изидан бораман деб орзу қилардим. Йиллар ўтди онамнинг дуосининг ижобати ва ҳарбийликка бўлган қизиқишим туфайли бўлса керак акам ўқишга ҳарбий билим юртига ўқишга кирдим.

Бугунги кунда она Ватан ҳимоячиси деган машаққатли аммо шарафли касбнинг эгасиман, албатта аввало онаизоримнинг қилган эзгу ни-ятлари мени шундай даражага етказди. Ҳали ҳамон уйимизда шукроналик ва хурсандчилик нашидаси давом этиб келади.



Ҳар байрамларда эрта тонгдан туриб онажонимизни табриклашга ошиқамиз, онаизоримнинг борлигига шукрона келтирамиз. Юртимизнинг байрам ва тўйлари кўпаяверсин, оналаримиз эса хонадонларнинг кўрки, файзи, фариштаси бўлиб тураверишсин.

Азизлар онангизни асранг, авайланг чунки улар асл бахтимиздир. Сўзимни Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги тўртлиги билан тугатмоқчиман.

**Онанг пандларига сен қилгил амал,
Юрарсан бахтиёр бўлиб ҳар маҳал.
Онагни, отангни севинтир тамом,
Бу хизмат еткургай тилакка мудом.**

**Шерали ҚАМБАРОВ,
Ўзбекистон Қуролли Кучлар академияси
ўқитувчиси, подполковник**

Қофиясини тополмади

Эркин аканинг халқ орасида маълум ва машҳур бўлган, таникли хофиз Шерали Жўраев яхши кўшиқ қилган, эндиликда дарсликларга киритилган машҳур “Ўзбегим” қасидаси илк бор чоп этилганда анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлган, шоирга турли таъйиқлар кучайган эди. Миллий туйғу теран акс этган асарларни шўро мафқураси ҳазм қилолмади.

Ўша кезлар Эркин акани юқори идорада ишлайдиган бир амалдор ҳузурига чақиртиради. Қасидани синчилаб ўқигани, хатоси йўқлиги, фақат маромига етказиш учун яна озгина кўшимча байт қўшиш лозимлигини айтади. Ўзбек халқининг Ок-

тябрь инқилоби туфайли озодликка эришгани, улуғ рус халқининг оғаларча ёрдами ҳақида жўшиб-тошиб гапираркан, қасидада шу нарсалар албатта акс этиши лозимлигини уқтиради. Шоир ноилоҳ “ҳаракат қиламан” дейди. Хайрлашаётганда раҳбар яна кўрсатма беради: “Сизга лўнда қилиб тушунтирдим. Қофиясини ўзингиз топасиз!”

Орадан бир неча йил ўтгач, бир кун Эркин ака ўша раҳбар билан учрашиб қолади. Амалдор иттифоқ билан шоирнинг ваъдасини эслатади. Шоир эгри қозикқа эгри тўқмоқ қабилида жавоб қилади:
– Қофиясини тополмадим...

Эркин Воҳидов бир гуруҳ ижодкорлар билан денгиз орқали хориж саёҳатига чиқади. Бир кун кутилмаганда қаттиқ бўрон кўтарилади. Ўрқач-ўрқач улкан тўлқинлар кемани аёвсиз чайқатиб, бамисоли гугурт чўпидай ўйнатади. Анчамунча дунё кўрган тажрибали сайёҳлар ҳам пилдирпис бўлиб, ининига — қаюталарига уриб кетишади. Шоирларни-ку айтмаса ҳам бўлади... Боёқишлар дунё кўзларига тор кўриниб, кўнгиллари айнийди, тинимсиз қайт қилишади. Шундай пайтда ногоҳ радиокарнайдан хитоб янграйди: “Ўзбекистонлик Воҳидов, сизга телеграм-

ма бор. Келиб олинг!”.

Шу тобда дунё кўзига тор кўриниб турган шоир баттар ғашланади. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да, дея ноилоҳ айтилган жойга жўнайди. Тўлқин баттар кучайган, палубада фақат эмаклаб юриш мумкин эди. Кўнгли беҳузур бўлиб, оёқда зўрға турган Эркин ака минг машаққат билан бир амаллаб айтилган жойга бориб, шошилиночмани олади. Унда ўгли шундай сўзларни битган экан: “Адажон, жинси шим сотиб олдим, сиз овора бўлиб юрманг”.

Шодмон ОТАБЕК

Телеграмма

КЕЙВОРД

Ушбу кейвордда ҳар битта сон фақат битта ҳарфни ифодалайди. Ёрдам тариқасида бир неча ҳарфлар ўз ўрнида қолдирилган. Ундан фойдаланиб, қолган ҳарфларни ҳам топиб сўзларни ясанг.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
Г	У	З	А	Р															
	20		9		18	6	10	2	18		11		15						
16	2	1	4	5	4		2		4	20	4	11	7	3					
	14		20		18	4	18	4	5		8		9						
15	6	20	13	6	5		2		4	3	7	3	7	9					
	20		4		4	7	20	6		2	7		4						
13	4	16	18	4		6		16	6	10	6	5		5					
17		2		16	7	3	6	18		5		4	12	14					
10	2	5	6	5							1		4						
17		2		6						15	2	16	16	4					
18	6	19	4	5						3	3	7							
	13		16							5	4	20	13	4					
14	4	11	6	12						5	Р		4						
	9		18							1		2		4					
12	6	10	2	12		4			8	4	2	20	4	16					
	19		5		2	20	20	4		11		2		4					
15	2	9		13		15			8	4	14	9	2	5					
4		2	8	4	5	2	16		2		4		14						
20	2	15		11		9		8	16	17	5	6	8	16					
6		6	12	7	10	4	18			16		15		6					
10	17	3		11		20			8	4	3	4	5	9	4				

Тузувчи Файзулла АБДУЛЛАЕВ

Хандалар

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Тиш шифокорининг хонасига бир талай болалар кириб келишди.

– Мен тишимни олдиргани келдим, – деди улардан бири.

– Унда ўртоқларинг нимага келишди? – сўради дўхтир.

– Улар менинг қандай доллаганимни эшитишмоқчи.

– Менинг бурним отамники, кўзим онамники, – деди бир бола.

– Мени эса пешонам бувимники, қулогим тоғамники, – деди бошқаси.

Улардан ортда қолмаслик учун учинчи болакай шундай деди:

– Менинг кўйлагим акамники...

– Икки воқеанинг тасодифан бир-бирига тўғри келиб қолишига мисол келтиринглар-чи?! – деди ўқитувчи.

Ўқувчилардан бири кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадам билан ойимнинг тўйлари бир кунда бўлган.

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:


– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадамнинг кўлини кўтариб жавоб қилди:



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Самарасиз меҳнат бездиради.

Кизнинг оилада олган тарбияси кейин ҳаётининг асосини белгилайди.

Ноҳақ ё кўлига, ё тилига зўр беради.

Бировнинг ташвиши бошқасиникидан кам эмас.

Кайфияти йўқ кишига гапирсанг, икки баравар таъсир қилади.

Дунёдаги ҳамма нарсани кўриб, кийиб, еб-ичиб бўлмайди.

Нодон ва телба одамгина бунга интилади.

Билганидан қолмаганининг ўзи кишининг нодонлигини кўрсатади.

Одам боласи бесабрлиги билан машҳур.

Вақти-соати билан ҳар қандай иш бўлади – одамнинг шошилгани-ю асабийлашгани қолади.

Бегона эмас, ўзингни ҳасад қилади.

Ким ўзини қанча доно ҳисобласа, шунча нодондир.

Ҳар қандай иш то бир киришгунча – киришдингми уёғи осон кетади.

Инсоннинг кимлиги бошга иш тушганда билинади.

Бор нарса хор, йўқ нарса азиз.

Тақдирнинг ишлари охир-оқибат ҳақ бўлиб чиқади.

Айбдор кўзини олиб қочади.

Ким арзимас ишни ҳам сидқидилдан қилади, ким муҳим ишни ҳам наридан-бери.

Ишни одамига топширинг.

Ўзгани гуноҳкор қилиш ҳам худбинликдан.

Ишончсизлик инсонни емиради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси институтнинг “Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси” кафедрасининг собиқ доценти

Ҳамид Ҳашимович ЯРМУҲАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

15-17 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 30 мартда

Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 30 март кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси – 7-9, кундузи –

15-17 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 30 мартда

Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқароваси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ